

## АРАЛАШ ТАЪЛИМ (BLENDED LEARNING)НИНГ КОНЦЕПТУАЛ ВА ТЕРМИНОЛОГИК АППАРАТИ

Дилором Нуруллоевна АШУРОВА

Мустақил изланувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

## КОНЦЕПТУАЛЬНЫЙ И ТЕРМИНОЛОГИЧЕСКИЙ АППАРАТ СМЕШАННОГО ОБУЧЕНИЯ

Дилором Нуруллоевна АШУРОВА

Самостоятельный соискатель

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

## CONCEPTUAL AND TERMINOLOGY APPARATUS OF THE BLENDED LEARNING

Dilorom Nurulloevna ASHUROVA

Independent researcher

Uzbekistan State World Languages University, Tashkent, Uzbekistan [ashurova\\_7@mail.ru](mailto:ashurova_7@mail.ru)

UDC (УЎК, УДК): 371.3

### For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Ашурова Д.Н. Аралаш таълим (blended learning) нинг концептуал ва терминологик аппарати // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020. — № 4 (33), — Б. 164–174.

<https://doi.org/10.36078/160836337>

**Received:** August 20, 2020

**Accepted:** October 17, 2020

**Published:** November 10, 2020

Copyright © 2020 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>

**Аннотация.** Масофавий ўқитиш замонавий таълимнинг энг муҳим ва тобора оммалашиб бораётган шакли саналади. Масофавий таълим тизими педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, масофавий ўқитиш ҳамда муаммоли-вазятли услублар каби замонавий таълим технологияларини кенг жорий этиш имкониятларини кенгайтди, муайян муаммоларнинг бартараф этилишига ёрдам берди. Жумладан, масофавий ва анъанавий таълим усули элементларини ўзида акс эттирувчи аралаш таълимни секин-асталик билан нафақат жаҳон тажрибасида, балки миллий амалиётда ҳам ривожланиб, такомиллашиб бораётган соҳа сифатида эътироф этиш мумкин. Аралаш таълим — электрон таълим, ахборот-коммуникация технологиялари ва замонавий ўқув воситалари тақдим қиладиган янги дидактик имкониятларга асосланади. Мақолада аралаш таълимнинг концептуал ва терминологик аппаратини қиёсий таҳлил қилиш, «аралаш таълим» тизими ҳақида илмий-назарий маълумот бериш, атаманинг мазмун-моҳиятини ўрганиш мақсади қўйилган. Аралаш таълим атамаси кўпинча тадқиқотчилар ва амалиётчилар томонидан қўлланилади. Мақола якунида аралаш таълим моҳиятини очиб беришда тадқиқотчилар фикрларини ўрганиш орқали илмий хулосалар берилди.



Open Access

**Калит сўзлар:** аралаш таълим; анъанавий таълим; масофавий технологиялар; гибрид таълим; электрон таълим; онлайн таълим; компьютер технологиялари; замонавий технологиялар.

**Аннотация.** Дистанционное обучение считается наиболее важной и все более популярной формой современного образования. В системе образования наблюдается широкое внедрение современных образовательных технологий, таких как педагогические и информационно-коммуникационные технологии, дистанционное обучение и проблемно-ситуационные методы, что способствовало устранению ряда проблем. В частности, можно сказать, что смешанное обучение, отражающее элементы дистанционного и традиционного методов обучения, медленно развивается и совершенствуется не только в мировой, но и отечественной практике. Смешанное обучение базируется на новых дидактических возможностях, которые предоставляют электронное обучение, информационно-коммуникационные технологии и современные образовательные инструменты. В данной статье ставится цель дать краткие сведения о смешанном обучении, изучить значение этого термина, а также провести сравнительный анализ контекстуального и терминологического аппарата смешанного обучения. Термин смешанное обучение часто используется исследователями и практиками. В конце статьи делаются выводы на основе изучения мнений исследователей о раскрытии сущности смешанного обучения.

**Ключевые слова:** смешанное обучение; традиционное образование; дистанционные технологии; гибридное образование; электронное обучение; онлайн-образование; компьютерные технологии; современные технологии.

**Abstract.** Distance learning is considered the most important and increasingly popular form of modern education. Today, there is a wide introduction of modern educational technologies, such as pedagogical and information and communication technologies, as well as distance learning and problem-situational methods, which contributed to the elimination of a number of problems. In particular, blended learning, which reflects the elements of distance and traditional teaching methods, is developing and improving worldwide. Blended learning is based on new didactic opportunities provided by e-learning, information and communication technologies and modern educational tools. The purpose of this article is to provide brief information about blended learning, the meaning of this term, as well as to conduct a comparative analysis of the contextual and terminological apparatus of blended learning. The study provides relevant conclusions based on the study of researchers' viewpoints on the disclosure of the essence of blended learning.

**Keywords:** blended learning; traditional education; distance technologies; hybrid education; e-learning; online education; computer technologies; modern technologies.

Коронавирус пандемияси барча соҳалар сингари таълим тизимида ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказди: мактабгача таълим, умумтаълим, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари оммавий равишда ёпилди. Бу давр барча соҳалар қатори олий таълим мутасаддилари зиммасига ҳам янги вазифаларни юкледи. Карантин даврида барча олий таълим муассасаларида масофадан ўқитиш тизими йўлга қўйилди.

Масофавий ўқитиш тизими замонавий таълимнинг энг муҳим ва тобора оммалашиб бораётган шакли саналади. Пандемия сабаб бу жараён

тезлашиб, тўлақонли тизим сифатида шаклланишига туртки бўлмоқда. Бу борада эришилган ютуқлар шундан иборатки, ёшидан қатъи назар барча профессор-ўқитувчиларда таълим платформалари билан ишлаш, масофавий таълимни олиб бориш соҳасидаги билим ва кўникма такомиллашди. Келажакда масофавий таълимни янада ривожлантириш борасида қилиниши керак бўлган ишлар эса таҳлил этиб борилмоқда. Масофавий таълим айти пайтда келажак учун эксперимент вазифасини ўтамоқда, десак адашмаймиз.

Пандемия даврида анъанавий ва масофавий таълим афзалликлари, қулайликларининг ўзига хос хусусиятлари илмий-амалий жиҳатдан фарқланди. Талабалар анъанавий таълимдаги ўқитувчилар билан юзма-юз ўқишнинг афзалликларини, баъзи талабалар эса масофадан ўқитишнинг фойдали жиҳатларини келтирдилар, айрим талабалар эса аралаш таълим афзал эканлигини баён этдилар. Масофадан ўқиётган талабаларнинг изоҳларига кўра, уларнинг аксарияти ўқитувчи кўрсатмалари асосида ўтиладиган юзма-юз дарсларга эҳтиёж сезишгани англашилди. Ўтказилган сўровномага асосан 10% талаба масофавий, 50% талаба анъанавий ва 40% талаба аралаш таълимни афзал кўрганлиги аниқланди. Демак, масофавий ва анъанавий таълим усули элементларини ўзида акс эттирувчи аралаш таълимни секин-асталик билан нафақат жаҳон тажрибасида, балки миллий амалиётда ҳам ривожланиб, такомиллашиб бораётган соҳа сифатида айтиш мумкин.

Аралаш таълимнинг концептуал аппаратини тавсифлашда педагогикага мурожаат этамиз. Педагогиканинг назарияси ва амалиёти унинг объекти ва предметиға мос келадиган материалларни баён қилиш учун зарур бўлган бир қатор асосий тушунчаларни ўз ичига олади. Ушбу тушунчалар баъзан атамалар ҳам деб аталади, улар бошқа фанларда, ҳатто педагогика фанининг ўзида ҳам турлича талқин қилиниши мумкин. Илмий билимларнинг ҳар қандай соҳасини шакллантириш фаннинг назарий терминологик аппаратини яратадиган тушунчалар ривожини билан боғлиқ. Муайян фаннинг концептуал аппарати ўрганиш соҳасини англатувчи ва уни бошқа фанларнинг предмет соҳаларидан фарқловчи асосий тушунчалар ва таянч тушунчаларнинг фарқлигини акс эттиради.

Аралаш таълим атамаси кўпинча тадқиқотчилар ва амалиётчилар томонидан қўлланилади. Бироқ аралаш таълим деганда нимани тушунамиз? Нимани, қандай ва нима учун аралаштираемиз, деган саволларга жавоб излаймиз.

Аралаш таълим тарихига назар ташлайдиган бўлсак, аралаш таълимнинг келиб чиқиши рақамли технологиялар пайдо бўлишиға қадар бўлган. Унинг моҳияти сиртки таълим орқали масофадан ўқитишдан иборат бўлган. Масалан, 1919 йил Канадада маёқ хизматчиларининг болалари сиртки таълим орқали билим олиб, ўқимишли кишилар қаторига киритилган (1). Аралаш таълимдан фойдаланиш сабаби сифатида масофаларнинг узоклиги келтирилган. 90 йилларнинг охириға келиб эса аралаш таълимға талабаларнинг таълим олишини яхшилаш ва ўқитувчиларни ўқитиш усулларини ўзгартириш мақсадида технологиялар

ва Интернет ёрдамида масофавий ўқитишнинг янги усули сифатида қарала бошланди, бу ўқитувчига асосланган таълим моделига қараганда кўпроқ талабага йўналтирилган ҳисобланади (2). Атама соҳа доирасида илк марта 1999 йили Атлантада жойлашган Interactive Learning Centres таълим компанияси томонидан EPIC Learning деб номланган пресс-релизда қўлланилган: компания ҳозирги кунда 220 та онлайн курсларни ишлаб чиққан, яқин кунларда компания Blended Learning методологиясидан фойдаланган ҳолда ўз Интернет дастурларини таклиф қила бошлайди» — деб ёзилади пресс-релизда (3).

Сўнги йилларда «аралаш таълим» термини ҳақида турли фикр ва қарашлар мавжуд бўлиб, ушбу терминнинг соҳа олимлари томонидан келтирилган таърифларини ўрганиш орқали тадқиқотимиз давомида бу усулнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаштирамиз. «Defining blended learning» («Аралаш таълим таърифи») номли рисоласида тадқиқотчи М.Фризн «аралаш таълим» атамасини 1999 йилдан бошлаб ишлатила бошлаганини аниқлаган (4). Шунингдек, «Аралаш таълим таърифи» рисоласида «Бу таълим турини интернет ва электрон оммавий ахборот воситаларини ўқитувчи ва талаба ўртасидаги синфда жисмоний иштирок этишни талаб қиладиган шакллар билан бирлаштириш орқали тақдим этиладиган имкониятлар доираси», деб таърифлаган (4).

2003 йили тадқиқотчи К.Проктер ўз илмий ишида аралаш таълимни «турли хил ўқитиш усуллари, ўқитиш моделлари ва ўқув услубларининг самарали комбинацияси», деб таърифлайди (5). Чу, Жонс ва Тернернинг илмий назариясига кўра, «аралаш таълим икки муаммоли йўналишни ўзида узвийлаштиради: таълим ва таълим технологияси» (6).

Ч.Гремнинг таърифи анча мукамал бўлиб, у «аралаш таълим тизимлари юзма-юз ўқиш ҳамда компьютер воситасида ўқитиш билан бирлаштирилади», дейди (6). Бу тушунча таълим беришда икки усулни қўллаш ва ушбу икки усулнинг баъзи комбинациялари аралашмасини белгилайди. Грэм ушбу таърифни таклиф қилган пайтда, компьютер воситасида алоқа асосан асинхрон ва матнга асосланган деб қаралган.

Эндиликда телеконференц алоқа дастурлари одатий тусга айланганлиги сабабли, М.Фризн «юзма-юз»ни «ҳамкорликда ишлаш» (co-present) деб қайта белгилашни таклиф қилди. М.Фризн «аралаш таълим»ни Интернет ва рақамли медиа воситаларини синф дарслари билан бирлаштириш орқали тақдим этиладиган имкониятлар қаторига киритади, бунда ўқитувчи ва талабаларнинг дарс жараёнида иштирок этиши талаб қилинади (3).

Ушбу таъриф ва кўрсатмаларга эътибор қаратадиган бўлсак, уларда вазифалар онлайн тарзда берилиши кераклиги таъкидланмоқда, яъни талабалар тадқиқот учун интернетдан фойдаланишини таклиф этаётган анъанавий юзма-юз курси аралаш таълимга мос келмайди. «Supervised brick-and-mortar location» ибораси «юзма-юз» ўқитиш элементи анъанавий синф хонасида бўлиши шарт эмаслигини англатади. Уотсон ва Мурин Стакер бошқа тадқиқотчилар томонидан таклиф этилган таърифнинг кенгайтирилган версиясини тақдим этадилар: «аралаш таълим — расмий

таълим дастури бўлиб, бунда талаба вақт, жой ва йўли ёки /тезлиги устидан ўз-ўзини назорат қилиш элементлари мавжуд бўлган қисман онлайн, шунингдек, уйдан узоқда жойлашган масканда анъанавий таълим (Brick and Mortar Education) ва ҳар бир талабанинг фан доирасидаги ўрганиш усуллари тажрибаси орқали таълим интеграциясини таъминлаш жараёнидир» (7).

Аралаш таълим **B&M**, яъни анъанавий таълимдан тубдан воз кечишни англатмайди, чунки анъанавий таълим нутқ ва ижтимоий-маданий кўникмалар учун муҳимдир. **Brick and Mortar** («ғишт ва оҳак») сўзига аниқлик киритиш керак, **B&M** инглиз тилида сўзлашадиган ибора бўлиб, анъанавий маъносини англатади. Таълим жараёнида **Brick and Mortar Education** анъанавий таълим маъносини англатади.

Рус тадқиқотчиларидан Краснова фикрига кўра, аралаш таълим — ўқитишнинг энг самарали усуллари юзма-юз ва онлайн интерфаол ўзаро таъсирни бирлаштирган ўқув услуби бўлиб, бу доимий бир-бирига боғлиқ ҳолда ишлайдиган ва бир бутунликни ташкил этадиган тизимдир (8).

И.Стейси ва П.Гербик атаманинг бир қанча таърифларини кўриб чиқадилар ва уларнинг таърифларига кўра, аралаш таълим ҳеч бўлмаганда «виртуал ва жисмоний муҳитларнинг комбинациясини» ўз ичига олиши даркорлигини илмий нуқтаи назардан илгари сурадилар (9). Лаунер эса аралаш таълимни «технология томонидан қўллаб-қувватладиган мустақил ўқиш ёки масофавий ўқитиш ва юзма-юз алоқалар ўрнатиш комбинацияси» дея таърифлайди (10).

«Ўқиш ва ўқитиш самарадорлигини оширишда, олдиндан тайёрланган онлайн дарслар ва ўқув хонасида юзма-юз (face-to-face) анъанавий ўтиладиган дарсларнинг бирлашувини ташкил этувчи ўқув жараёни — аралаш таълимдир» (11). Ўқув жараёнида қўлланиладиган онлайн элементлар қўшимча сифатида эмас, балки аксинча, аралашган таълимда ҳам виртуал, ҳам юзма-юз ўқитишнинг энг самарали усуллари интеграциясини талаб қилади (12).

Аралаш таълимни кўплаб таърифларини тадқиқ этар эканмиз, уларнинг барчасида аралаш таълим анъанавий ва масофавий ўқитишнинг турли моделларини бирлаштирган ва технологиянинг бир нечта шаклларида фойдаланадиган ўқув стратегияси сифатида таъкидланганини кузатдик. Аралаш таълим талабалар ва ўқитувчиларнинг ўзаро мулоқоти орқали ўқув натижаларини фаоллаштириш мақсадида маълумот алмашиши учун бир нечта усуллардан фойдаланадиган дастур сифатида белгиланган (13).

2006 йили ушбу атама Бонк ва Грэмнинг «Аралаш таълим тўғрисида» қўлланмасида илк бор аралаш таълимнинг аниқ таснифи ва унинг асосий хусусиятлари берилган: аралаш таълим — юзма-юз ўқитиш ва компьютер ёрдамида ўқитишнинг комбинациясига асосланган таълим тизимидир (16).

Е. Банадос келтирган таъриф кўпроқ олий таълим тизимида тааллуқлидир: «Аралаш таълим — муайян вазифалар учун ўзгариб турадиган технологиялар ва биргаликдаги аудитория ишларининг

комбинацияси. Ушбу ёндашув компьютер ёрдамида билимларни тақдим этиш, ўқитиш ва таълимни ўлчашнинг афзалликларини тан олади, аммо натижаларни яхшилайдиган ёки харажатларни камайтирадиган тўлиқ, мувозанатли дастур яратиш учун бошқа воситалардан ҳам фойдаланиш мумкин» (14).

Хизер Стейкер ва Майкл Хорн ўзларининг «Blended Learning» («Аралаш таълим») китобида (Клейтон Кристенсен институти тадқиқотчилари) таълим беришда муваффақиятли қўлланиладиган икки асосий ёндашувини таклиф этишади:

1. Мослаштирилган таълим ёндашуви.

Ушбу ёндашув ёрдамида ҳар бир талаба ўқув жараёнида ўз йўли бўйича, ўз тезлигида, ўз қизиқишларига риоя қилган ҳолда ҳаракат қилиш имкониятига эга. Мослаштирилган ёндашув, талабалар керак бўлганда кичик ўқув гуруҳлари лойиҳаларида ҳам, индивидуал ўрганишда ҳам тажриба олишлари мумкин, деб тахмин қилишади. Ушбу тушунчада ўқитувчи ўқув муҳитида ўқувчига маслаҳатчи бўлиб, жараённинг моҳиятини тушунишига ёрдам беради ва уни мавзу доирасида фикр юритишга ўргатади.

2. Компетентликка асосланган таълим.

Талабалар кейинги босқичга ўтишдан олдин мавзунини яхши билиши, қўллай олиши ёки билим, кўникма, малакаларни эгаллаган бўлиши лозим. Талаба ҳар бир мавзунини кетма-кет ўрганиб, мавзу бўйича билимларини мустаҳкамлаб бориши керак. Компетентликка асосланган таълим мавжуд муаммоларни муваффақиятли ҳал қилишда талабани қатъиятли ва сабрли бўлишга ундайди.

Шундай қилиб, аралаш таълим — ўқитиш усулларининг комбинацияси бўлиб, онлайн ва юзма-юз ўрганиш элементларини ўзида бирлаштирадиган жараёндир. Буни қуйидаги Венн диаграммаси мисолида қуйидагича тасвирлаш мумкин:



Илмий адабиётларда аралаш таълим («blended learning») тушунчаси гибрид таълим («hybrid learning»), технологиялар воситасида ўқитиш («technology-mediated instruction»), вебга асосланган ўқитиш («web-enhanced instruction») ва аралаш режимида ўқитиш («mixed-mode

instruction») атамалари билан деярли синоним тарзда ишлатилади (15). Аммо бу тушунчалар муайян хусусиятларига кўра бир-бирдан фарқланади:

Атама	Таърифи (таснифи)
Интернетдан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш (Web-enhanced)	Онлайн фаолиятни минимал миқдорда ишлатиш; мавзулар, ўқув режа ва курс эълонлари онлайн тарзда жойлаштирилади.
Аралаш таълим (Blended)	Юзма-юз ўрганадиган баъзи бир муҳим жиҳатлар онлайн машғулотларда фойдаланиладиган мавзулар 45% дан ошмаслиги керак.
Гибрид таълим (Hybrid)	Юзма-юз дарс жараёнида мавзуларнинг 45-80% ни онлайн машғулотлар ташкил этади.
Масофавий таълим (Fully online)	Ўқув материалларининг 80 фоизи ёки ундан кўпроғи бўлган мавзулар онлайн тарзда ўтказилади.

Юқорида изоҳланган таърифлар мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда аралаш таълим тамойиллари (принциплари) сифатида қуйидагиларни келтирамиз:

**Кўргазмалилик.** Талаба доимий равишда қўллаши мумкин бўлган замонавий электрон таълим воситалари ёрдамида билимлар омборини яратиши мумкин. Аралаш таълимда ўқув материалларидан, видеодарслардан, китоб ва симуляторлардан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

**Амалиётда қўллаш.** Назарияни тўлиқ ўзлаштириш учун амалий машғулотларнинг зарурлиги муҳим.

**Давомийлик.** Аралаш таълим қисман микротаълим тамойилига асосланган. Ўқув материали ўқув порталида доимий сақланиб турганлиги сабабли талабалар ҳар гал кириб, мавзунини бирор-бир қисмини қайта ўрганишлари мумкин.

**Қўллаб-қувватлаш.** Талабалар ўқитувчи билан мулоқот қилиш ёки саволларга жавоб олиш учун кейинги юзма-юз дарсларни кутиб ўтиришлари шарт эмас, ўқув порталида мулоқотни амалга ошириш имкони мавжуд.

Аралаш таълимнинг умумий хусусиятларидан бири шундаки, курс қисман онлайн режимда, қисман таълимнинг бошқа усуллари орқали ташкил этилади, одатда турли хил усуллар бир-бирига боғланади. Бошқача айтганда, талабаларнинг онлайн таълимда ўрганган маълумотлари асосида юзма-юз дарсларда ўрганган билимлари бир-бирини тўлдиради ва аксинча. Бундан ташқари, агар талабалар ўзларининг тезликларини назорат қилсалар, бу назорат кўпинча нафақат курс ишларининг онлайн-ўқитиш қисмигагина эмас, балки аралаш таълимнинг барча мавзуларига ҳам тегишли бўлади.

Соҳадаги муаммоли жиҳатлардан бири шундаки, аралаш таълимни таърифлашда кўп ҳолларда юқори технологияларга асосланган анъанавий таълим билан адаштириш ҳоллари учрайди. Ҳар иккаласида ҳам замонавий технологиялар қўлланса-да, дарс ташкил этишнинг асосий хусусиятлари (услуги) жиҳатидан бир-биридан фарқланади.

Юқори технологиялар асосида ташкил этилган анъанавий дарс жараёнини ташкил этишда электрон доска, Интернет технологиялари, веб-камералар, электрон, смарт технологиялар, виртуал технологиялардан фойдаланиш назарда тутилади. Контент ва кўрсатмалар интернетга жойлаштирилмаган ҳолда бўлади ёки агар жойлаштирилган бўлса ҳам, талабанинг вақт, жой, усул ва тезлигини бошқариш элементлари мавжуд бўлмайди. Демак, аралаш таълим тушунчасини изоҳлашда жараёндаги бошқариш элементларга асосий эътиборни қаратиш лозим бўлади:



1-расм. Аралаш таълимнинг изоҳланган таърифи.

Аралаштирилган таълимнинг муҳим қисмларидан яна бири шундаки, у талабалар вақт, жой, усул ва / ёки тезлиги каби ўз-ўзини бошқаришнинг элементларини ҳам ўз ичига олади. Яъни:

- **вақт**: ўрганиш вақти ўқув курси давомида чекланмайди.
- **жой**: ўқитиш жойи аудитория билан чекланмайди.
- **усул (йўл)**: ўрганиш ўқитувчи томонидан қўлланиладиган методлар билан чекланмайди. Интерфаол ва мослашувчан дастурий таъминот ўз эҳтиёжларига мослаштирилган усулда ўрганиш имкониятини беради.

- **тезлиги**: ўрганиш барча талабалар учун чекланмайди.

Аралаш таълим бўйича илмий изланишлар олиб бораётган энг катта марказ сифатида Клейтон Кристенсен институтини айтиш жоиз. Клейтон Кристенсен институти —нотижорат, нодавлат аналитик марказ бўлиб, таъсирчан (ноёб) инновациялар орқали дунёни яхшилашга асосланган. Гарвард профессори Клейтон Кристенсен назарияларига асосланиб ташкил этилган институт жамиятнинг кўплаб долзарб муаммоларини, шу жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш ва



иктисодий фаровонликни англаш учун ноёб асосларни таклиф этади. 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида Кристенсен институти аралаш таълим тамойиллари, амалга ошириш стратегияларини ўрганади ва маълумотларни тақдим этади. Клейтон Кристенсен институти аралаш таълим асосида ўқитилаётган 200 га яқин мактабларда тажрибалар ўтказиб, 40 га яқин моделларни ишлаб чиққан.

Клейтон Кристенсен Институти таърифига кўра, аралаш таълим — юқори технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитиш билан бир хил эмас. Аралаш таълим ўқитувчи ўқувчи иштирокида анъанавий (юзма-юз) ўқитиш билан онлайн таълим бирлашуви бўлиб, бунда талаба томонидан ўрганиш йўли, вақти, жойи ва тезлиги бўйича ўзини ўзи бошқариш элементларини ҳисобга олинади, шунингдек, ўқитувчининг таълим бериш тажрибаси ва онлайн таълим интеграцияси ҳамдир (17).

**Ушбу таърифга таянган ҳолда шунни айтиш мумкинки, аралаш таълим қуйидагиларни бирлаштирувчи таълим дастури ҳисобланади:**

- ўқитувчи иштирокидаги таълим (юзма-юз);
- таълим олувчи томонидан ўрганиш йўлини, вақтини, жойини ва тезлигини ўз-ўзини бошқариш элементларини ўз ичига олган онлайн-таълим;
- ўқитувчининг ўқитиш тажрибаси ва онлайн таълим интеграциясига асосланган таълим жараёни.

Демак, аралаш таълимнинг концептуал ва терминологик аппарати мураккаб тизим асосида қурилган бўлиб, бу тизим атамага тўғри ва мувофиқ таъриф беришдан тортиб, унинг қай тарзда ва шароитда ташкил этилишигача бўлган элементларни ўзида қамрайди. Аралаш таълимдан таълим жараёнида кенг фойдаланиш орқали соҳадаги бир қанча муаммоли вазият ва камчиликларни бартараф этиш билан бир қаторда, таълим сифатини янада ошириш, талабаларда мустақил таълим кўникмаларини ривожлантириш, шунингдек, ўқитувчи→маслаҳатчи тизимида фаолият юритиш тизимига ўтиш каби ижобий ютуқларга эришиш мумкин.

Аралаш таълим мутлақо янги тушунча эмас, у анаънавий таълимнинг мантиқий, изчил ривожланишидир. Талабалар вақт-вақти билан онлайн дарс машғулотларида иштирок этишади, махсус дастурий воситаларда ёки онлайн платформаларда вазифалар топширишади. Мавзу бўйича топшириқлар индивидуал ва гуруҳий шаклда амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, топшириқларнинг бажарилишини ўқитувчи назорат қила олиши ва маслаҳатлар бериши мумкин. Ўқитувчининг асосий вазифаси курсни тўғри ташкил этиш ва ўқув материалларини тақсимлашдан иборат. Ўқитувчи дарс жараёнида қандай материалларни ўзлаштириш, уйда нимани ўрганиши, қайси топшириқлар индивидуал ишлаш учун, қайси топшириқлар гуруҳий лойиҳалар бўлиши кераклиги ҳақида қарор қабул қилиши керак. Юзма-юз дарсларда талабалар лойиҳа ишларини ҳимоя қилишлари, тақдимотларини намойиш қилишлари ва талабалар ҳамда ўқитувчи ўртасида баҳс-мунозаралар ташкил этишлари, онлайн шаклда эса лойиҳалар, ижодий ва амалий вазифалар, назорат тестларини ташкил этишлари мумкин.

### The list of used literature

1. Barbour M. History of K-12 Online and Blended Instruction Worldwide'. Handbook of Research on K-12 Online and Blended Learning. N.P., ETC Press Publ., 2014, 516 p.
2. Manya Suresh, V. Vishnu Priya, R. Gayathri. Effect of e-learning on academic performance of undergraduate students. Drug Invention Today | Vol 10. Issue 9. 2018, pp. 1779-1800.
3. Friesen N. Defining Blended Learning, August 2012, available at: [https://www.normfriesen.info/papers/Defining\\_Blended\\_LearningNF.pdf](https://www.normfriesen.info/papers/Defining_Blended_LearningNF.pdf) (request date:21.06.2020)
- Friesen M. Report: Defining Blended Learning, available at: [https://www.normfriesen.info/papers/Defining\\_Blended\\_Learning\\_NF.pdf](https://www.normfriesen.info/papers/Defining_Blended_Learning_NF.pdf) (request date:31.06.2020)
- Procter C.T. Blended Learning in Practice, available at: [www.ece.salford.ac.uk/proceedings/papers/cp\\_03.rtf](http://www.ece.salford.ac.uk/proceedings/papers/cp_03.rtf) (request date: 08.07.2020)
- Esyin Chew, Norah Jones ,David Turner. Critical Review of the Blended Learning Models based on Maslow's and Vygotsky's Educational Theory, available at: [http://ihlsociety.org/ICHL2008/LNCSPROCEEDINGS/ICHL2008\\_EsyinChew\\_14pages.pdf](http://ihlsociety.org/ICHL2008/LNCSPROCEEDINGS/ICHL2008_EsyinChew_14pages.pdf) (request date:08.07.2020)
- 7, Watson J., Murin A. A History of K-12 Online and Blended Instruction in the United States. Handbook of Research on K-12 Online and Blended Learning. 2014,516 p.
8. Краснова Татьяна Ивановна. Сопровождение и поддержка деятельности студентов в смешанном обучении. Available at: <https://portal.tpu.ru/SHARED/k/KRASNOVA/science/Tab1/Guidance%20and%20support.pdf> (request date:10.07.2020 )
9. Stacey E., Gerbic P. Success Factors for Blended Learning, available at: <http://www.ascilite.org/conferences/melbourne08/procs/stacey.pdf> (request date:5.06.2020 )
- 10.Launer R. Five Assumptions on Blended Learning: What Is Important to Make Blended Learning a Successful Concept? // «International Conference on Hybrid Learning». — Berlin: Springer Verlag Publ., 2010, pp. 9–15.
- 11.Ruth Boelens (UGent) , Stijn Van Laer, Bram De Wever (UGent) and Jan Elen. Blended learning in adult education: towards a definition of blended learning. Available at: <https://biblio.ugent.be/publication/6905076> (request date:5.06.2020)
- 12.Garrison, D. R., & Kanuka, H Blended learning: uncovering its transformative potential in higher education // Internet and Higher Education. — 2004. — № 7(2), pp. 95–105.
- 13.Clark, R.T., Mayer, R.E. E-learning and the Science Instruction. — San Francisco: Preiffer, 2003. — 527 p.

14. Tomlinson, B. Blended Learning in English Language Teaching: Course Design and Implementation / Tomlinson, B., Whittaker, C. // British Council – 2013. — 258 p. Available at: [https://www.teachingenglish.org.uk/sites/teacheng/files/pub\\_D057\\_Blended%20learning\\_FINAL\\_WEB%20ONLY\\_v2.pdf](https://www.teachingenglish.org.uk/sites/teacheng/files/pub_D057_Blended%20learning_FINAL_WEB%20ONLY_v2.pdf) (request date:15.07.2020 )
15. Martyn, Margie. The hybrid online model: Good practice // Educause Quarterly. — 2003. — № 26. — pp. 18-23
16. Bonk, C.J. & Graham, C.R. (2006). The handbook of blended learning environments: Global perspectives, local designs. San Francisco: Jossey-Bass/Pfeiffer. — 624 p.
17. <https://www.christenseninstitute.org/> (request date:05.05.2020 )